

ПАРТИЯ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ИЛ ЧИКИШИ

№ 72 (1850)

11

АПРЕЛЬ

СЕШАНБА

1961 ИЛ

БАҲОСИ
2 ТИНИН



Коммунизм қурувчиларнинг биринчи сафларида бораётган коммунистик меҳнат коллективларига ва зарбдорларига, ишлаб чиқариш ил-гори ва новаторларига шон-шарафлар бўлсин! Энг яхшиларнинг тажрибасини ҳамма меҳнаткашлар орасига ёйлик!
(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари).

Жанговар чақириқлар
руҳантаради

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май байрами муносабати билан чиқарган Чақириқларини барча совет кишилари қатори Тошкент трамвай-троллейбус трестининг меҳнатсевар коллективи ҳам қизғин кутиб олди. 2-трамвай паркиннинг маршрут бошлиғи, коммунист Парим Нурмухамедов бу ҳақда шундай деди:

— Партиямиз бизни улкан етти йилликнинг учинчи йили — 1961 йилининг тошмириқларини муддати-дан илгари бажаришга чақирмоқда. Бу олижаноб вазифани адо этиш учун сафимизда бирорта ҳам қолақ участка бўлмаганини лозим. Мен илгори участкалардан бири бўлган 8-маршрут бошлиғи бўлиб ишлар эдим. Ўқинди парк маъмуриятига қолақ участкага ўтиб ишламоқчи бўлганимни билдириб, ариза бердим. Илтимосим қондирилди. Ҳозир 9 ва 10 маршрутларнинг бошлиғи бўлиб ишлаётиман. Ҳар иккала маршрут коллективи ўз участкасини илгори қаторига кўтариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Биз ойлик тошмириқларни мунтазам равишда бажаришга эришмоқдамиз.
Л. БЛИНДЕР.

ЦЕМЕНТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Курилишларга қўйлаб цемент етказиб берамиз! Шу широр остида меҳнат қилаётган Охангарон цемент заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 1 Май байрамолди муносабати билан қизғин кутиб олди. Ҳар иккала қўйлаб цемент тегирмонлари ўрнига янги тегирмонлар қўйлаб берилди. Цемент ишлаб чиқариш ўтган йилнинг биринчи кварталидан нисбатан 7 процент қўйлади. Асосий ускуна ва агрегатлардан фойдаланиш кўрсаткичлари яхшиланди.

Бундай ютуқларга ташкилий-техникавий ўқувчиларнинг белгиланган мuddатларда амалга ошириш туфайли эришилмоқда. Бир қанча ускуналар янгиликлар билан алмаштирилди. Масалан, икки камерали эски цемент тегирмонлари ўрнига янги унунал ишлайдиган ўз камерали янги тегирмонлар қўйлаб берилди. Бундан ташқари цемент ишлаб чиқариш ўтган йилнинг биринчи кварталидан нисбатан 7 процент қўйлади. Асосий ускуна ва агрегатлардан фойдаланиш кўрсаткичлари яхшиланди.

Ф. ПЕТРОВ.

„ХВС“ янада яхшироқ бўлади

«Ташсельмаш» заводи-нинг бош йиғув конвейеридан ой сайин юзлаб янги пахта терши машиналари чиқаришмоқда. Бу йил мамлакатнинг қолдоғи ва совхозларига беш мингдан ортиқ «ХВС—1,2» агрегатлари юборилади.

Пахта терши техникасини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Халқ ҳўжалик кенгаши ва Қишлоқ ҳўжалик министрлиги, қасаба союзулари ва иxtиpочилар жамияти республика кенгашилари энг яхши рационализаторлик тақлифи учун тематик конкурс эълон қилди.

Конкурс шартларида, жумладан, иш аппаратларини яхшилаш, шинделларни ювадиган янги механизмни такомиллаштириш ва шу каби проблемаларни ҳал қилиш кўзда тутилади. Энг яхши тақлиф учун 21 микрофот белгиланди. (ЎзТАГ).

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгаши тўртинчи сессиясининг раисига

Осиё ва Африка мамлакатлари биринчи конференциясининг олти йиллиги кўнида Бандунгга тўпланган Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгаши сессиясининг қатнашчиларини чин қўлимдан табриклиман. Тарихий Бандунг конференциясини илҳом-лантирган юксак ва олижаноб идеаллар — мустангақчилигининг барча формалари ва кўринишларини батамом ва дарҳол тутатиш, бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустақамлаш, халқлар ва мамлакатларнинг социал тузуми ва идеология қарашлари қандай бўлишдан қатъи назар, уларнинг тинч-тотув яшаши ва ҳамкорлиги идеаллари эндиликда юз миллионларча кишиларнинг идеаллари бўлиб қолди. Ана шу идеалларни амалга ошириш учун кураш — Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги қудратли ҳаракатининг асосий мақсадидир.

Имperialistik кўзлар инсониятнинг озодлик, тинчлик, миллий мустақиллик ва равақ топши йўлидаги ҳаракатига ҳалақит бермоқ учун жон-жаҳдлари билан уримқолдар. Ёш мустақил Конго Республикасига қарши қилинган агрессия, Жазаирдаги мустангақчилик уруши, Ангола, Мозамбик, Кения, Умзон халқларидан қонли ўч олинатганлиги — буларнинг ҳаммаси имperialistik кўзларнинг ишидир. Улар давлат бетарафлиги ва чинакам миллий мустақиллик учун курашаётган Лаос халқига қарши уруш очилди, Ғарбий Ириан, Гоа халқларининг она Ватан билан қўшилишга ҳалақит бермоқдалар.

Аммо тарих зулм ва халқлар қашшоқлиги устидан ўз ҳукмин чиқариб қўйди. Халқлар ўртасида тинчлик, барча оддий кишиларнинг озодлиги ва бахти юзлари сўмас алангадир. Бу алағини разил тўхматлар билан тўхатиб бўлмайди, мазлум халқларнинг даре-даре қилиб оқизиладиган қони билан уни ўчириб бўлмайди, солдат этиги билан беёшти қилиб бўлмайди. Ана шу буюқ гоғлағ эндиликда денгиз ва океанларнинг нариги томонига ўтиб, ер юзидagi барча қишлоқларга мустақам қарор топди.

Хали оғир кураш олиб боришга тўғри келади, чунки реакция кўчлари ҳали тор-тор қилинган асос, Бирдамлик ва бирлик — бутун прогрессив инсониятнинг асосий қўроқлидир. Бу бирдамлик ва бирлик нечоғлик юқори ва мустақам бўлса, ғалаба ҳам шу қадар яқин бўлади.

Ҳеч шубҳа йўқки, сизнинг сессиянгиз ҳар иккала қишлоқдаги эриксевар ва тинчликсевар халқларнинг бирлик фронтини мустақамлаш ишига қатта ҳисса бўлиб қўйиладди.

Совет Иттифоқи адолатли кураш олиб бораётган Осиё ва Африка халқларининг содиқ дўсти, мустақам ташқи бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Бунга амин бўлишингиз мумкин.

Н. ХРУШЧЕВ.
СССР Министрлар Совети Раиси.

1961 йил 9 апрель.

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. С. ХРУШЧЕВ Жаноб Олийларига

Москва, Кремль

Бизга дўст ва қўшни мамлакат бўлган Совет Иттифоқи территориядан жўнаб кетаётган пайтимида Сиздан, Жаноб Олийлар, биз Москвада бўлган вақтимизда кўрсатилган меҳмондўстлик ва элчилик учун ўз номимдан, рафи-қам ва менга ҳамроҳ бўлган ки-шлар номидан чўқур, самимий ташаккуримизни қабул қилишини тўғри сўрайман.

Шахсан Сизга, Жаноб Олийлар, ва дўст қўшнимиз Совет Итти-фокнинг улуг халқига муваффа-қиятлар ва бахт-саодат тилайман.

Муҳаммад ДОВУД
75717—ИЛ-18 самолётининг
борти.

Совет халқларининг дўстлиги абадий ва бузилмасдир

Халқларнинг бузилмас қардошли-ги совет кишиларига меҳнатда қувонч ва илҳом бағишлайди. Бу дўстлиқнинг ҳаётидаш кучи совет кишила-рининг жонажон Коммунистик пар-тияси ХХII съездини муносиб кутиб олши йўлидаги яратувчилик иш-ларининг гоғ катта қўламлирида се-зилди турбиди.

«Халқлар дўстлиги ва социали-стик интернационализм — коммунизм куриш учун курашдаги улуг куч» деган темага бағишлаб, 10 апрелда Тошкентда бошланган республика-лараро семинар-кенгаши мамлаки-ти халқлари ўртасидаги қардош-ларча ҳамкорлигининг янги ёрқин ифодасидир. Сийсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутунитти-фок жамияти правлениеси, СССР Фанлар академиясининг Тарих ин-ститути, Сийсий ва илмий билимла-ри тарқатувчи Ўзбекистон, Қир-ғизистон, Тожикистон ва Туркмени-стон жамиятларининг правлениелари томонидан тақрирланган бу семинар-кенгашда Москвадан ва Ўрта Осиё-даги ҳамма республикаларнинг та-ниқли олимлари, Украина ва Қозо-ғистондан келган меҳмонлар, Ўзе-бекистоннинг партия, совет, қасаба союз ва комсомол ходимлари қат-нашмоқда.

Семинар-кенгаши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-нинг биринчи секретари Ш. Р. Ра-шидов кириш нутқи сўзлаб олди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва Олий Совети Президиуми номидан семинар ташаббусчиларини ва қатнашчиларини қизғин табрикла-ди, уларга ўзларининг фахрий ва олижаноб ишларида қатта муваффа-қиятлар тилади.

Бутун ер юзидagi миллион-мил-лион меҳнат аҳли, — дейди Ш. Р. Рашидов, — Инсон, тенглик, дўст-лик, тинчлик, бахт сўзлари мағру-

Суратла: Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залларида.
Қ. Розиков ва К. Рашидов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).



МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Шу кунларда КПСС ХХII съезди-ни муносиб соғалар билан кутиб олши учун меҳнат вахтасида туриб ишлайётган Тошкентдаги 1-темир-бетон заводининг коллективи янги-дан-янги ютуқларга эришатири. Қорхона бўйича квартал плани 24 мартдаёқ ошириб бажарилади.

Завод коллективи квартал охири-гача пландан ташқари 1300 кубо-метр йиғма темир-бетон буюмлари тайёрлаш юзасидан олган мажбу-риятини ҳамда таранг қилиб тор-тирилган темир-бетон конструкция-лар ишлаб чиқариш бўйича март ойи-нинг ҳам ортиги билан адо этди.

Мактабнинг турмуш билан маҳкам боғланиши учун

Чирчиқ шаҳар мактабларида ўқув-тарбия ишлари ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб борилмоқда

Узингизга маълумки, Чирчиқ мактабларида коммунистик меҳнат ва юксак маданият шахри номини олиш учун кураш бошладилар. Эндиликда бу ташаббус бутун республикамиз бўйлаб кенг ёйилди. Бу, бечиз эмас, албатта. Чунки, чинакам ҳаёт киши — ҳар жиҳатдан юқори савияли, янги жаҳонни кишисини тарбиялаш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди.

Кишиларнинг юксак оқиллиги, илмий, маданий, сиёсий жиҳатдан юқори савияга эга бўлиши кўп жиҳатдан мактаб педагогик коллективлари фаолияти ҳам боғлиқдир. Негатив, мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва ўқини амалий меҳнат билан боғлашнинг асосий воситаси бўлган иккимой фойдали меҳнатни ташкил этиш чинакам ижодий куч талаб қилган муҳим вазифадир.

Шахримиз мактабларининг педагогик коллективлари ўқини турмушга, ишлаб чиқариш практикасига яқинлаштириш, ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилаш соҳасида дастлабки ютуқларини қўлга киритдилар. Ҳозир шаҳарда, 18 та умумий таълим мактаблари ишлаб турибди, 6 та етти йиллик мактаб сақони йиллик умумий таълим меҳнат-политехника мактабларига айлантирилди. Бу мактабларда эса 12 минг ўқувчи таълим олмақда. Уларнинг ўқини ва ҳунар ўрганишлари учун барча имкониятларга эгадир.

Янги ўқув йилидан бошлаб кўпгина мактабларда машғулотлар бир сменада олиб борилмоқда. Бу эса уларни ишлаб чиқариш таълими берадиган мактабларга айлантириш имконини берди. Ўқув ва қизларнинг турли касба бўлган қизиқишлари эътиборга олинди, 7 та мактабда ишлаб чиқариш мутахассислиги синфлари ташкил этилди. Шуни қўноварлики бу синфларнинг машғулотлари бевосита шаҳардаги йirik санаот корхоналарида ўтказилайди. Чунки, 2, 6, 7, 9-мактаблар ва уларни ўз оталигига олган «Узбекхиммаш», «Чирчиксельмаш» заводлари ўртасидаги ҳамкорлик эътиборини жалб қилди. 9-синф ўқувчилари ҳар ҳафтада икки кун ана шу корхоналарда бўлиб, меҳнат кўникларини ҳосил қилишлари, машғулотлар вақтида токарлик, слесарлик касбларини эгаллашга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек,

«...Еш авлодни ўқитишни унинг унумли меҳнати билан боғлаб олиб бормай туриб, келажак жамият идеалини тасаввур қилиб бўлмайди: ўқитиш ва билим бериш — унумли меҳнат билан боғланмаса, унумли меҳнат — ўқитиш ва билим бериш билан бирга бормаса, ўқитиш ва билим беришни ҳам, унумли меҳнатни ҳам техниканинг ҳозирги даражаси ва илмий билимнинг ҳозирги ҳолати талаб қилган юксакликка қўтариб бўлмайди».

В. Н. Ленин.

13, 15-мактабларининг ишлаб чиқариш синфлари фаолияти ҳам мақтовга лойиқдир. Назарий билим ва меҳнат маълумотларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тажрибалари ўзи-

7, 9, 13 ва 15-мактабларда политехника фани билан боғлиқ бўлган янги тўғаракларга корхона инженер-техниклари раҳбарлик қилаётган. Дурадгорлик тўғрисидаги аъзолари тайёр-

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СИНФИ

Мактабимиз 11 йиллик умумий таълим меҳнат-политехник мактабидир. Умуман, бизда меҳнат бошланғич синфдан ҳам ўргатилаётган. 1—5-синфларда меҳнат дарси ўтилади. 6, 7, 8, 9-синфларда эса политехник таълим мактаб устакхоналарида ўргатилади.

Шунинг ўзи билан чегараланиб қолмади. Ёшларимиз касбини яхши ўргансин, мустақил меҳнат қилаётсин деб ўқувчиларни ишлаб чиқариш корхоналари иши билан таништириб берилади. Дастлаб, ўқувчилар корхоналарда экскурсиялар ўтказиб, қандай цехлар бор, қанақа касбларни эгаллаш мумкинлиги билан қизиқдилар. Сўнгра ўқувчи ўзи қизиққан касбини танлайди. Ўқувчи ҳам, унинг ота-онаси ҳам рози бўлган, биз 9-синф ўқувчилари учун ишлаб чиқариш синфи ташкил этдик.

Бу ўқувчилар «Узбекхиммаш» заводи ишлаб чиқаришида иш-кор этмоқдалар. Улар ҳафтада икки марта бир кун назарий, иккинчи кун практик машғулот ўтказадилар. Уларга меҳнат ўқитувчиси Ю. Охлат раҳбарлик қилади.


Завод ўқувчиларининг иш шартини яхшилаш, уларга меҳнат маълумотларини ўргатиш учун катта ғамхўрлик қилмоқда. Заводда бунинг учун 7 мутахассисдан иборат техник совет тўзилган. У ҳар бир ишда ўқувчиларга кўмаклашмоқда. Ёшларимиз токарлик касбини ўрганаётганлар. Улар орасида 4 қизимиз ҳам бор. Дастлабки натижалар чакни эмас. Ўқувчилар станоклар ёнида мустақил ишламоқдалар. 11-синфини тугатган, улар 1, 2, 3-разрядлар оладилар.

Булардан ташқари, мактабнинг ўзида ҳам 5-8-синф ўқувчилари дурадгорлик, слесарлик устакхонасида махсус мутахассислар раҳбарлигида программалар мувофиқ ҳунар ўрганадилар.

Бу ишларнинг ҳаммаси ёш авлодни иккимой фойдали меҳнатга тўғри муносабатда бўлишга, ҳаётга дадил қадам қўйишга ўргатади. Шунинг учун ҳам мактабда ҳамма иш «Ўқини билан меҳнат бир-бирига эгизак» деган шир остида олиб борилмоқда.

К. МАЕҚУБОВ,

Чирчиқ шаҳридаги 2-мактаб директори.



Суратда: 2-мактабнинг 8-синф ўқувчилари Нуриддин Қодиров билан Собир Заматовлар пармалаш станогинда машғулот ўтказмоқдалар.

В. ЛАРИН,
Чирчиқ шаҳар халқ маориф бўлимининг мудири.



Суратда: 2-мактабнинг 8-синф ўқувчилари Фотима Бойбекова билан Қўнир Шойбековлар практик ўқитувчиси Ю. И. Охлат раҳбарлигида токарлик ҳунарини ўрганишмоқдалар.

Ф. УСМОНОВА.



Суратда: 13-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шимте Ян ўзи ясаган экскаваторни сынаб кўрмоқда.

А. Абалян фотолари.

КИЧИК ХУНАРМАНДЛАР

Энгиларига ихчам тикилган махсус халат кийиб олишган тенкур турт қиз машиналар овози гувиллаб турган цех коридоридан жадал боришарди. — Ҳозир смена алмашадим, тез, тезроқ юрак олишлар, — дейишарди улар бир-бирига.

Қизлар пресслаш залига кирганда смена ишчилари ҳам эдингиза иш бошлаш тараддуидида эдилар.

Ана ёрдамчиларимиз ҳам келиб қолди. — Қизларни очик чехра билан қарши олишди залдаги ишчилар. Ёрдамчилар ишга киришиб кетишди. Назира қорширайдиган машинани юргизиб юборди, бу машинани яқиндан бери ўзи бошқаради. У аппаратни бемалол юритгаварида. Ленин қоршима-нинг маромига етганини билиш анча қийин. Шунда у мастерига мурожаат қилади. Неча заводда бўлган назарий машғулотда ҳам худди шу темада — қоршириш ҳақида лекция тинг-лашган эди. Завод инженери ўртоқ Станислав Янович «қорши-манинг мустаҳкам бўлиши, бир-бирига маҳкам бирикниши учун унга клеисмон ёпишқоқ модда аралаштирилади» деган эди-ку. Қиз лекцияда тингланган гапларни ўзича такрорлади. Шунда у қоршимага аралашти-риладиган ҳар бир модданинг миқдорига ва унинг қанча му-ддатда бажарилишини лиққат би-лан қўзғатиб турди. Кўп нарсаси ўрганди.

Назарнинг дугоналари Ро-ма, Зоя, Валера эса пресс-ловчи, тарозибон. Улар махсу-лотни, ўлчаб турадилар.

— Бу қизлар қанақа касб ўрганишарди? — сўрадик смена мастери Мамамет Мадаев-дан.

— Буларми, пресслаш, қо-лилаш ҳунарини эгаллашмоқ-да. — гапира кетди мастер, — бу касбини қизларнинг ўзлари танлашган. Заводимизда ҳаммаси бўлиб 53 ўқувчи ишлаб чи-қариш таълими олади. Ҳозирги сменада 26 ўқувчи ишламоқда. Ўртадаб 27 ўқувчи келган эди. қани энди. Иккимойнинг иш-ини ҳам кўрайлик, — та-клиф қилди мастер.

Шикталаш бўлимига кирдик. Машиналарни дадил бошқара-ётган ўспиринларни кўриб қу-вонасан, киши.

Павел, Владимир иккиси мас-тер Султон Ҳасанов раҳбарли-да гувиллаб ёнаётган педда дадил ишлашарди.

— Бу ўқувчилар заводнинг техника хавфсизлигини яхши ўзлаштириб олганлар, — изоҳ

берди мастер ёшларнинг ишдан мамун бўлиб. — Улар иш-лан соатларига ҳақ ҳам олади-лар. Ўқув йилининг охирида, ёш мутахассисларга ҳар қайси-сининг тайланган ҳунари бўйича разрядлар берилади. Ўспирин-ларнинг ҳаракати чакки эмас.

Булар Чирчиқ шаҳрининг 13-ўқиб йиллик умумий таълим меҳнат-политехника мактаби-нинг 9-синф ўқувчилари. Мак-табнинг бу синфига ишлаб чи-қариш синфи ташкил этилган. Улар мактабни ўз оталигига олган Чирчиқдаги каттик қотиш-малар ва ўз чидамли бўюм-лар заводда ҳафтанинг сешан-ба кунлари назарий, қорша-ба кунлари эса практик маш-гулот ўтказадилар.

Заводга кирган киши қўли-дан дурустгина иш келиб қо-лган, заводнинг оғир-сегилли-ганча қўниб қолган ўғил-қиз-ларнинг ишни кўриб қувонади. Уларнинг меҳнатга бўлган ҳа-васи, қизиқишини кўриб завқла-наси. Ана 2-3 йилдан сўнг бу ўспиринлар жамиятимизнинг ак-тив қўрувчилари бўлиб етиша-дилар.



Суратда: 13-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шимте Ян ўзи ясаган экскаваторни сынаб кўрмоқда.

А. Абалян фотолари.

Анги шейрлар

ОРЗУЛАР

Хирмонда пахтани текис
Уёқдан буюёқда бориб келар
Баъзида нисвойдан бир
Тек туриб ўрнида суради
Зап қизик машина экан
Ҳосилин чанқаган кишидек
Ахир, ёдимизда ҳали ҳам эс-эс
Ҳатто тракторга қарийди
Энди-чи, ҳар битта машина
«ХВС» етишмай раис ҳам
Машинага бунақа ихлоси
Машина бермаса, бригадир
Қизик-а, шунақа пахлавон

Бир жиккак жувонга қулоқ
Кечаси терса ҳам, кундузи
Ва на бузилади, чарчаб-
Илмда ҳикмат кўп деганлари
Ўйлаб топганингга қойилмай,
Лекин шунингга доғдана,
Ёшим ўттиз-қирда эмас,
Хирмонга пахтани текис
У ёқдан-буюёқда бориб келар
Баъзида нисвойдан бир
Ўзича гапириб, жилмаяр
Ҳамид НУРИЙ.

ОТАМНИНГ ЖАВОБИ

Гоҳо узоқ тунлари отам,
Бизни йиғиб олиб дамба-дам,
Ғурурини тўкиб ниҳоят,
Қилар эди даврини ҳикоя:
— Офтобин ҳам терлатар эди,
Ҳар одамни шер этар эди,
Даврий ҳоври!
Буюк ўрни олди тарихдан,
Тарих бўлиб қолди тарихда,
У давр домна,
Биз пўлат эдик,
Оловда роса тобландик...
Энди отам ўзай қўзини,
Ича ютиб бори сўзини,
Кўз ойнагини олиб бурига,
Ўз даврини макташ ўрнига,

Газетани титкилар ҳар кун,
Қар галаба ва ҳар бир акун,
Хушин олиб уни этар лол,
Узоқ-узоқ суради ҳаёл:
— Қалай, дейман, етти
Мўъжизалар даври бу замон!
У қилаб менга қарайди,
Бармоқ билан мўйлов тарайди.
Дейди:
— Янаг, ота ўғлисиз!
Дейди:
— Янаг, ота қўнғисиз!
САИЕР,
Москва.

КОЛХОЗ ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Дмитров номили колхоз Кўйи
Чирчиқ районидидаги энг илгор
ҳўжаликлардан бири ҳисобла-
нади. Колхоз аъзолари КПСС
XXII съезди шарафига соция-
листик мусобақани аяқ олди-
риб, қўллагини экиш кампания-
сига қизгин тайёргарлик қў-
ришмоқда. Бу йил 2700 гектар
ерининг ҳар гектарини 133
центнердан луб ҳосил олина-
ди. Гектар бундан 31,7 цент-
нер шол, 40 центнер жўҳори,
500 центнер маккажўҳори кў-
поиси етиштирилади. Пахтадан
ҳам юқори ҳосил олиш учун
кураш бошланди. Гўшт етиш-
тириш бўйича олиган мажбу-
рийят ҳам катта. Бу йил ўтган
йилгига қараганда 134,5 тон-
на кўп гўшт топирилади. Шу-
нингдек, колхоз аъзолари 385
тонна сут, 124 минг тона ту-
хум топириш мажбуриятини
олган.

Ана шундай юқори кўрсат-
киларга эришишда, шубҳасиз,
фан ютуқларини ишлаб чиқар-
ишга кенг жорий қилиш, ил-
гор тажрибалардан умумий
фойдаланиш муҳим роль ўй-
найди. Шу тўғрисида бу ерда
кишлор ҳўжалик билимининг ўр-
ганиш халқ университети таш-
кил этилди. Бу — республи-
камиздаги биринчи колхоз халқ
университетидир.

Бу маданият ўчоғи колхоз-
чиларга экономика билимининг
эгаллашда катта ёрдам бера-
ди. Ҳозир университет ўзининг
қатъий иш планига эга.

Ўзбекистон ССР Фанлар
академияси чорвачилик илмий-
техник институтининг олим-
лари мазкур университетни
ташқил этишда катта ёрдам
қўрсатдилар. Шунингдек, ил-
мий муассаса машғулотларни
ўтказиш вазифасини ҳам ўз
зиммасига олди. Университет
совети составига кўпгина олим-
лар жалб қилинди. Унинг фак-
рий ректори қилиб кишлоқ ҳў-
жалик фанлари кандидати В.
Лев сайланди.

— Университетимиз ўз фао-
лиятини бошлаганига ҳали бир
ҳафта ҳам бўлгани йўқ, —
дейди ректор ўрнибосари ўр-
тоқ Х. Маманазаров. — Ле-
кин, шунга қарамай тинглов-
чилар машғулотларга кат-
та қизиқиш билан қатнашмоқ-
далар. Ҳозир уларнинг сонин
400 дан ҳам ортиб кетди. Улар
орасида бригада ва эвено боп-
лиқлари, кишлоқ ҳўжалик ил-
горлари, чорвалорлар ва сут
сочувчилар бор. Университет
ўз тингловчиларини агрономия,
зоотехника, иктимой билим,
ривожланиш янгиликлар би-
лан мунтазам равишда таниш-
тириб боради. Ишлаб чиқариш
новаторларининг янги-янги та-
қрибларини кенг оммалаштири-
ди.

Колхоз халқ университети
фаолияти 2 йилга мўлжаллан-
ган бўлиб, машғулотлар ҳар
ойда бир марта ўтказиб тури-
лади.

Ж. МИРЗАЕЗОВ.

ЯНГИ БОҒ-РОҒЛАР

(ХАТЛАРГА 0630Р)

Областимиз шаҳар ва кишлоқла-
рида баҳорги кўчат ўтказиш давом
этмоқда. Ишчи-хизматчилар, кол-
хозчилар, пионерлар ва ўқувчилар
— кўпчиликнинг кучи билан ҳамма-
ёқ кўзаландиришмоқда, янги
мевазор боғлар вужудга келтири-
лмоқда. Айниқса, янги ғалаштири-
лган ерларда, баҳорги ишлар ав-
жида. Редакциямизга келадиган хат-
ларда кўчат ўтказишга қарайди
ўз аксини топаётди.

— Гулистон районидидаги «Гулис-
тон» совхозини 3-бўлимининг ишчи-
лари, — деб ёзди ўртоқ Ю. Абду-
алимов, — 40 гектар ерда боғ
барпо қилдилар. Боққа шафтоли,
анор, олма, гилос ниҳоллари эки-
ди.

«Мирзачўл» совхозида бундан бир
неча йил муқаддам дов-дахларни
ўратиб қийин эди. Чўлини бўстонга
айлантириш учун бу ерга келган
ватанпарварлар совхознинг ҳамма
бу соҳадиги ибратли ишлари ҳақ-
да ёзиб юборганлар.

ЁШ ШОИРЛАР МАКТАБИ

Островский номидаги шаҳар
пионерлар саройи ҳузурида адаби-
ёт тўғрисида — ёш шоирлар, про-
заиклар мактабларининг ишлай бош-
лаганига бир неча йил бўлди. Шу
давр ичида бу тўғраракдан кўп-
гина талантлив шоирлар, адиблар,
танқидчилар етишиб чиқди.

Адабиёт тўғрисидаги шу неча-
кундузда А. Тоймуродов раҳбар-
лик қилмоқда. Тўғарак ҳафтада
тўрт марта машғулот ўтказилади,
бу ерда ёшларнинг шеърлар, ҳикоя-
лари ва бошқа бадиий асарлари
муқоама қилинади, маслаҳатлар
берилади. Тўғарак аъзолари рес-
публикамизнинг атоқли шоир ва
ёзувчилари билан тез-тез учрашиб
турадилар. Бу ерга меҳмон бўлиб
келган шоирлар шеър ёзиш техни-
каси, тема танлаш, танланган то-
маин бадиий тарада ишлаш ҳақи-
да фойдали маслаҳатлар беради-
лар. Ўз ижодий тажрибаларидан
сўзлаб берадилар.

Адабиёт тўғрисидаги энг яхши
деб топиладиган асарларни алоҳида
тўплам ҳолида чиқариш аста-секин
анъанасига айланиб бормоқда.

Тўғарак аъзолари 1956 йилда
«Бахтимининг куйлаймиз», 1960
йилда «Орзу чиқди рўёбга» номи-
ли тўпламларини нашр этган эдилар.
Шу кунларда адабиёт тўғрисида
ишлар ҳар жиҳатдан қизиқиб юбо-
рилган. Янги тўпламга асарлар
тайёрланаётган. Ёш ижодкорлар-
нинг ишларига муваффақиятлар
тилаймиз.

Ҳ. ШОКИРОВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

3-БЕТ, 11 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Деҳли сессиясининг қарорларини қўллаб-қувватлаймиз

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг шу йил 24—29 мартда Деҳлида бўлиб ўтган сессиясининг қарорлари муносабати билан Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети президиуми Н. С. Тихонов раислигида совет тинчлик тарафдорлари ҳаракати вазиёларини муҳофаза қилиди. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Москвада меҳмон бўлиб турган ижрочи президенти Жон Бернал президиумнинг ишида қатнашди. Жон Бернал Деҳли сессиясининг иши тўғрисида сўзлаб берди. Жон Бернал бу сессиянинг халқаро миқёсда катта аҳамиятга эга эканлигини ва халқларнинг тинчлик йўлидаги ҳамда қўрқоқсизликнинг учун ва мустақиллашчиликнинг тугатилиш учун курашда барча тинчликсевар кучларнинг ҳам

корлигини мустақамлаш йўлидаги ҳаракатини янада кенгайтиришда бу сессиянинг муҳим роль ўйнагани таъкидлади. Мажлисида тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг масъул секретари М. И. Ботовнинг сессия материаллар билан совет жамоатчилигини таништириш юзасидан Комитетнинг кўрган тадбирлари тўғрисидаги ва ёппасига ҳамда батамом қўрқоқсизлик мақсадида жаҳон миқёсда ўтказиладиган кампанияда совет тинчлик тарафдорларининг иштироки тўғрисидаги ахбороти тингланди. Фикр олинув вақтида Жаҳон Тинчлик Кенгаши Президиумининг аъзоси А. Е. Корнейчук, чет мам-

лакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамоатлари орасининг раиси Н. В. Попова, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг секретари В. М. Чихов ва мажлиснинг бошқа қатнашчилари иштирок қилдилар. Улар совет жамоатчилигининг халқаро алоқаларини кенгайтириш тўғрисида бир неча таклифларни илгари сўрдилар. Комитет президиуми совет тинчлик тарафдорларининг фикрини эътибор қилиб, сессиянинг қарорларини қизғин маъзулади ва тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг Жаҳон Тинчлик Кенгаши Чақириқларини қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрадиган тадбирларини белгиледи.

ГАВАНА, 9 апрель. (ТАСС). Куба революциясининг душманлари бу революцияни бўғиб ташлаш режаларини ишлаб чиқиб, Кубанинг турли районларида контрреволюцион шайқалларнинг кўрғини келтиришга катта умид боғламоқдалар. Улар шу мақсадда ўз агентларини Кубага юбордилар, жиноятчи унсурлар орасидан ўз шайқаларига аъзо тўламоқдалар, кўп миқдорда қўроқ-ароқ ва ўқ-дориларни самолётларда келтиришмоқдалар. Уларнинг мўлажалига қараганда, иёсчиларнинг шайқалари алдан ва қўрқитиш йўли билан Куба аҳолисининг бир қисmini ўз томонига ўтказиб олиши керак эди. Аммо, контрреволюционерларнинг режалари Куба халқининг революция галабаларини ҳимоя қилиш йўлидаги қатъиятга дуч келиб, қақшатқич зарбага учрамоқда.

Кейинги вақтларда халқ милицияси ва қўзғолоқи армия Эскмбрай тоғларида (Лас-Вильяс вилояти) ва Ориенте вилоятида контрреволюцион гуруҳларни тугатди. Бу-

Контрреволюциянинг кирдикорлари барбод этилмоқда

гун бу ерда Пинар дель Рио вилоятида яна бир шайқалнинг тугатилганлиги эълон қилинди. Воқеа бундай бўлган эди: Адвокат Армандо Эскотто Элоига контрреволюцион унсурларни, аввало, Батиста диктатураси армиясининг бош қўл солдат ва офицерлари орасидан чиққан контрреволюцион унсурларни жалб этиш ва Пинар дель Рио вилоятида контрреволюцион фронт ташкил этиш иши тошпирилганлиги бундан қарийб бир йил муқаддам Куба халқисининг органларига маълум бўлиб қолган эди. Эскотто Элои ва унинг шериклари устидан кузатиш уюштирилди. Эскотто Элои самолётда бир неча марта Майамига бориб келди. Эскотто Элои кейинги сафари вақтида Майамида Куба контрреволюциясининг раҳбарларидан бири Антонио де Варона билан ва Америка разведкасининг вакили билан учрашган ҳамда

ўзи ташкил этган шайқа учун қўроқ-ароқ келтирилган жой ва вақт тўғрисида улар билан тил биқиртирган. Эскотто Элои бошчилигида қўроқ-ароқ келтирилган жойга қараб йўл олган 22 кишидан иборат контрреволюцион шайқа қамоққа олинди. Қамоққа олиналган орада ўтган йил 31 декабрда Гаванадаги энг катта магазинлардан бири «Ла эпока» биносига ўт қўйишда қатнашган уч киши ҳам бор экан. Жиноятчиларнинг ҳаммаси революцион трибунал судига топширилди.

Лаосда ахвол

ПЕККИН, 9 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлиги Патет-Лао радиосининг хабарига асосланиб қуйилганлиги биландир: ҳукумат қўшинлари ва Патет-Лао жанговар қисмлари иёсчиларнинг 6 апрелда Муонг-Кассининг гарбий шимолида туширилган ҳаво десантини қўрқиб олдилар. Иёсчиларнинг бир роташи тор-мор қилинди.

Ҳукумат қўшинлари ва Патет-Лао жанговар қисмлари Фа-Хуанадан (Муонг-Касси райони) 4 километр нарида иёсчиларнинг ҳужумини қайтардилар ва душмanning бронемашинасини яқсон қилдилар. «Лаос овози» радиосининг билдиришича, ана шу районда ҳаракат қилган 23 иёсчи, шу жумладан икки рота командири 6 апрелда қўроқ-ароқлар билан ҳукумат қўшинлари ва Патет-Лао қисмлари томонига ўтган.

Фашист жиноятчининг шериклари ва илҳомчилари фош қилинсин

Германия Демократик Республикаси Миллий fronti миллий кенгашининг баёноти

БЕРЛИН, 8 апрель. (ТАСС). Фашист жаллод Эйхман устидан Исроилда бошланган суд муносабати билан Германия Демократик Республикаси Миллий фронтининг миллий кенгаши баёнот эълон қилиб, бу баёнотда қотилиш ва унинг шерикларини жуда қаттиқ жазолашни герман халқи номидан талаб қилди.

Илгариги нацист жиноятчиларни таъқиб қилиш уёқда турсин ҳатто уларга давлат аппаратида раҳбарлик мансабларини бераётган Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг милитаристик сийасати шу баёнотда фош қилиб ташланди. Бонн ҳукуматининг 17 министри ва статс-секретарида 12 таси, де-факто баёнотда, нацистлар Германиясининг аппаратида раҳбарлик мансабларида ишлаган шахслардир. Бундесвернинг гарбий жиноятчи генерал Ферч бош бўлиб турган 40 генерали ва адмираллари Европа мамлакатларига ҳужум ташкил қилдишда Гитлернинг ёрдамчилари бўлган шахслардир, гарбий Германия ташқи ишлар министрилиги хизматини бажарётган министрлар ва бошқа дипломатларнинг 84 проценти Гитлернинг боқинчилиги урушини тайёрлашда қатнашган шахслардир, фашист судьялардан 1100 киши гарбий Германия юстициясига бошчилик қилмоқда, Гитлернинг яқин одами бўлган Ганс Глобке эса Аденауэрнинг ўнг қўли бўлиб ишлармоқда. Гитлерчиларнинг ваҳишона режими Эйхманнинг газ камераларида ўзининг лаҳшатли ифодасини топган бўлса, Эйхманнинг шериклари ва илҳомчилари бўлган ва Бонндаги ҳокимият тепасида турган шахслар атом қўрқоқсизликни ишлашлари мумкинлиги ҳозирги вақтда тагин ҳам каттароқ хавф бўлиб қолди.

Баёнотда айтиладики, Германия Демократик Республикасида нацист жиноятчиларнинг ҳаммаси ҳокимиятдан маҳрум қилинибгина қолмасдан, шу билан бирга тегишли равишда жазоланди, урушин ва ирқий нафратини ҳар қандай пропаганда қилиш суд томонидан таъқиқлаб қўйилди. Гитлеризмга қарши курашда ўзини кўрсатган антифашистлар

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

4-БЕТ, 11 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, на. областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262, орқали



Суратда: касаба союз ходимларининг халқаро семинари қатнашчилари.

В. Баскаков ва Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТОШКЕНТДА КАСАБА СОЮЗ ХОДИМЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СЕМИНАРИ ОЧИЛДИ

Заҳария микрофон олдиға келди. У айтдики, халқаро ишчилар ҳаракати тараққийнинг ҳозирги босқичида кенг меҳнатқашлар оммасини жаҳон маданиятининг хазиналаридан баҳраманд қилиш учун кураш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу кураш халқларнинг шармандали мустақиллашчилик системасига қарши, империализмга ва капитал монополияларига қарши, тинчлик ҳамда тараққий учун олиб бораётган умумий курашнинг таркибий қисмидир. Капиталистик мамлакатларда меҳнатқашлар юксак маданиятдан ҳали ҳам баҳраманд эмаслар. Семинарнинг вазифаси — меҳнатқашларнинг ҳозирги замон маданияти чўғиларини эгаллаш учун курашда касаба союз активларининг ўз ролларини тушуниб олишлариға ёрдам беришдан, уларни бир қанча мамлакатлардаги касаба союз ташкилотларининг таърибига билан қўроқлантиришдан, меҳнатқашлар илм ва маданиятни эгаллаш учун ҳақиқатан ҳам катта имкониятларга эга бўлган социалистик мамлакатларда қўлга киритилган муваффақиятлар билан таништиришдан иборат. ВЦСПС секретари Л. Н. Соловьев чет эллик меҳмонларни ВЦСПС номидан ва ЮНЕСКО ишлари бўйича СССР Миллий комиссияси номидан самимий таъ-

риқлади. Чет эллик меҳмонлар унинг Совет Иттифоқида фан ва маданият равақ топганини тўғрисидаги, совет касаба союз ташкилотларининг меҳнатқашларга билан бериш ва уларни маданий жиҳатдан тарбиялаш соҳасида бажарётган катта ишлари тўғрисидаги гапларини эътибор билан тинглайдилар. Л. Н. Соловьев семинар қатнашчиларининг ишлариға муваффақият тилаб айтдики, кўп мамлакатлар касаба союз ходимларининг учрашуви касаба союзидаги ўтказиладиганлиги муҳимдир. Бу конгресс шу йилнинг декабрь ойида Москвада қақрилади. Конгресс тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун курашда қақроқ ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва жиёслигини янада мустақамлашда муҳим босқич бўлади.

ЮНЕСКО вакили Поль Ленгран семинар қатнашчиларини таъриқлаб юзга сўзлади. У маданият ва маорифни ривожлантириш масалалари юзасидан ЮНЕСКО билан жаҳон касаба союзлари федерацияси ўртасидаги алоқанинг фойдали эканлигини таъкидлади. 9-унинчи апрелда семинарда унинг программасига киритилган масалалар юзасидан фикр олинишда бошланди. «Инсон ва маданият» деган темада лекция тингланди. РСФСР педагогика фанлари академиясининг вице-президенти профессор А. Н. Леонтьев шу тўғрисида лекция ўқиди.

Г. ЛИПШИЦ (ЎзТАГ муҳбири).

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

МИХАИЛ БОТВИННИКНИНГ ГАЛАБАСИ

МОСКВА, 8 апрель. (ТАСС). Шахмат бўйича жаҳон чемпиони номини олиш учун реванш матчининг тўғрисидаги ўйини давом эттириб, бу ўйин 73-юришда бугун Михаил Ботвинникнинг галабаси билан тугади. Матчининг ҳисоби Ботвинник фойдасига 5,5:3,5 бўлди.

Футбол майдонларида

Ўтган ақшарба кўни «Пахтакор» ва «Динамо» (Москва) командалари дубльлар составининг учрашуви 2:1 ҳисоби билан меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Тошкентликлар ўйини дуруст бошлаган эдилар. Ҳатто Ю. Беляков динамочилар дарвозасига биринчи тўпни киритган ҳам эди. Лекин «Пахтакор» кейин ҳужумчи сусайтириб қўйди. Дарвозабон Б. Климовнинг қўлоқ хатоси билан меҳмонлар ҳисоби 1:1 қилишга эришдилар. Танавфусдан кейин «Динамо» кетма-кет ҳужум қила бошлади. Ҳимоячиларимиз, аниқсиз А. Азизхўжаев, Ш. Дудаевлар моҳирона ўйнаган бўлса ҳам, меҳмонлар ҳужумчиси Николаев иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди.

8-апрелда пойтахтимиздан ташқари мамлакатнинг 8 та шаҳрида «А» класс командаларининг биринчи календарь учрашувлари бўлиб ўтди. Тўйилсизда маҳаллий «Динамо» футболчилари Ленинграднинг «Адмиралтейск» командасини 1:0 ҳисоби билан ютдилар. Ленинграднинг иккинчи командаси — «Зенит» ҳам мағлубиятга учради. Уни Киев «Динамо» ко-

мандаси 3:0 ҳисоби билан ютди. Боксда «Нефтяник» футболчилари «А» классда биринчи йил қатнашган «Труд» (Воронеж) спортчиларини 1:0 ҳисоби билан ютдилар. Шундан ҳисоб билан «Молдова» «Беларусь» устидан галаба қозонди. «Спартак» (Ереван) билан «Спартак» (Москва) учрашувида ҳисоб очилмади. «Авангард» футбол коллективни «Локомотив» билан дурагн қилди (ҳисоб 1:1). Мамакат чемпиони «Торпедо» эса Сталино шаҳрида «Шахтёр» командасини 3:0 ҳисоби билан ютди. Ростов-Дон армиячилари катта ҳисоб (5:1) билан Вильнюс спартакчиларини мағлубиятга учратдилар. 9-апрелда Боксда Армия марказий спорт клуби футболчилари «Калев» командаси устидан 1:0 ҳисоби билан галаба қозондилар.



11 АПРЕЛДА

19.00. Концерт (мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида).
19.40. Ёшнинг ахбороти.
20.00. Чет эл кинохроникаси.
20.10. Бир оиллада (оташлар учун телевизион фильти).
20.25. Врач суҳбати.
20.40. Техника ўйида (сановат ходимлари учун).
21.10. Ленин Прагада (Ўзбек тилида телевизион фильти).
22.10. Концерт (Ўзбек камер куйларидан).

Пойтахтимизда 8-апрелда Осиё, Африка, Ўрта ва Яқин Шарқдаги кам тараққий этган мамлакатлар вакиллариининг пахтачиллика бағишланган Халқаро семинари очилди. Суратда: семинар қатнашчиларидан (чапда) гарбий Покистон қишлоқ хўжалик департаментининг ходими Назеер Аҳмад Чаудхри, гарбий Покистоннинг пахтачилик бўйича мутахассиси Абдул Раҳмон Менон, Афғонистон қишлоқ хўжалик министрлигининг вакили Муҳаммад Раим, Афғонистон қишлоқ хўжалик министрлигининг ходими Абдул Қувейд, Афғонистоннинг пахтачилик бўйича мутахассиси, агроном Али Аҳмад ва гарбий Покистоннинг пахтачилик бўйича мутахассиси Махбуб Али Узаро суҳбатлашмоқдалар. Қ. Розиков фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Редактор З. И. ЕСЕНБОВ.

ТЕАТР
НАВОИИ НОМЛИ ТЕАТРДА
— 11/IV да Евгений Онегин, 12/IV да Ойқуш кўли.
ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
— 11/IV да Тоға-жиганлар. 12/IV да Олма гуллаганда.
МУҚИМИИ НОМЛИ ТЕАТРДА
— 12/IV да Паранжя сирлари.

К И Н О
Ёшги отпусқа вақти — «ВАТАН» «МНР» (кундуз ва кечкурун).
Қизил довул — НАВОИИ номли (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да).
Жерпева — «ИСКРА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун).
Давра — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).
Водим кишилари — «ЎЗБЕК-КИСТОН» (кундуз ва кечкурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
14, 15, 16 апрелда
ХОРАЗМ АШУЛА, МУЗИКА ВА РАҚС НЕЧАЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Коммуна Исмомов, Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари Клара Жақилова, Тамаара Юнусова, Отажон Ражабов, солистлардан Раҳима Ҳақимова, Азиза Тулаганова, Ибодулла Абдуллаевлар қатнашади.
Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА
ОЧИЛГАН
ҚҰРИҚ
НОМЛИ БАДИИИ ФИЛЬМНИНГ УЧИНЧИ СЕРИЯСИНИ ЧИҚАРАДИ.



М. Шолоховнинг шу номдаги романи асосида ишланган.
Сценарий авторы — Ю. Лукин, Ф. Шахматов.
Постановкачи режиссёр — А. Иванов.
Бош оператор — В. Фастович.
Композитор — Ю. Левитин.

Ролларда:
П. Чернов, Е. Матвеев, Ф. Шмаков, В. Дорофеев, Л. Хитлева, Л. Егорова, П. Глебов, В. Чекарнев, И. Кутянский, А. Абрикосов, Н. Крючков, О. Ярошенколар қатнашади.
Фильмин «Денфильм» киностудияси ишлаган.

Тошкент шаҳридаги «ГОРОСВЕЩЕНИЕ» КОНТОРАСИГА

электрик инженерлар, слаботехник инженерлар, электротехниклар, слаботехник техниклар, ҳар хил разрядли электромонтерлар, алоқа монтерлари, кабелчилар, уборщикча

к е р а к
Мурожаат учун адрес: Пролетар кўча, 26-уй.

Максуслаштирилган «Узэлектромонтаж» трестининг Тошкентдаги ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ЗАВОДИГА
электрослесарлар, штамповчиклар, токарлар, 5, 6-разрядли инструментчи слесарлар, 3, 4-разрядли кабелчи электромонтерлар, элек. тролесер ва ихтиёсига ўрганиши истаган ишчилар, металлари киз. димасланг ишловчи мастер, инженер-конструктор, электрик

к е р а к
Тошкент шаҳар, Черкас кўчаси, 28-уйда заводнинг надрлар бўлимига учрашилсин (8, 20-автотбус, 3-граммалнинг «Вратлар» малаяси, и. ошнинг «Иртыш» останахаси, 1, 4-автотбусининг «Салор станцияси» останахаси).

Калинин мавзу кўча, 61-уйда турувчи Музаббар Каримова (Ходиевнинг Бешёғот кўча, 37-уйда турувчи Нуъмон Каримовдан ажралиш ҳақидаги иш) Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида қўрилади.

Жар кўча, 47-уйда турувчи Воиқ Исломовнинг Эгарчи кўча, Марғилон проезд, 15-уйда турувчи Манзура Исломова (Шоғломовадан ажралиш ҳақидаги иш) Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида қўрилади.